O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT SHAHAR
MCHJ "Audit-Ummon"
auditorlik tashkiloti

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОШКЕНТ ШАХАР
МЧЖ "Аудит-Уммон"
аудиторлик ташкилоти

Toshkent shaxar M.Ulug'bek ko`chasi 1- uy

Тошкент шахар М.Улугбек кўчаси 1-уй

ИНН- 204414623 x/p 20 208 000 704 245 224 001 ДАВРБАНК ЧИЛОНЗОР ФИЛИАЛИ МФО- 01046 ТЕЛ. 604-07-61

№ 24
«27» апрель 2018 йил

«SHAXRIXON-AVTO RAVON» акциядорлик жамиятининг 2017 йил 01 январдан 2017 йилнинг 31 декабрга кадар булган давридаги молиявий -хужалик фаолияти юзасидан утказилган аудиторлик текшируви натижаларига кура ижобий

АУДИТОР ХУЛОСАСИ

Узбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2009 йилнинг 31 июль "858"-ракам билан кайта руйхатдан утган, Узбекистон Республикаси Молия вазирлигининг барча хужалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини утказиш хукукини берувчи 2010 йил 12 ноябрдаги 00519-сонли лицензияга эга булган МЧЖ «AUDIT-UMMON» аудиторлик ташкилоти «SHAXRIXON-AVTO RAVON» акциядорлик жамияти билан 2018 йил 09 апрелда тузилган 24/А-сонли шартномага асосан жамиятнинг 2017 йил 01 январдан 2017 йил 31 декабрга кадар булган давридаги молиявий фаолияти 2018 йил 09 апрелдан 27 апрелгача булган давр мобайнида утказилди.

Аудитор Н.Курбонова (Узбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг малака сертификати 12.10.2013 йил № 05152) томонидан «SHAXRIXON-AVTO RAVON» акциядорлик жамиятининг «Бухгалтерия баланси», «Молиявий натижалар тугрисида»ги хисоботдан иборат 2017 йил учун тузилган молиявий хисоботининг ишончлилиги ихтиёрий тарзидаги аудиторлик текширувидан утказилди.

Текширув Узбекистон Республикасининг харакатдаги молиявий конунлари, аудитнинг миллий андозалари, Солик Кодекси ва шу йуналишларни тартибга солувчи бошка меъёрий хужжатлар асосида амалга оширилди.

Текширув учун такдим килинган хисоботларни тайёрлаш ва уларнинг тугрилиги хамда хисобот даврида амалга оширилган хужалик муомалаларининг конунийлиги буйича масъулият хужалик юритувчи субъект рахбарияти зиммасига юклатилган. Аудиторлик ташкилоти эса молиявий хисобот буйича билдирган хулосаси учун масъулдир.

Аудиторлик текшируви аудитнинг харакатдаги 70-сонли миллий стандартига мувофик утказилди. Ушбу стандартлар бизга мижоз корхона ахборотларининг фойдаланувчиларини молиявий хисоботда моддий ахамиятга эга булган хатоликлар йуклиги тугрисида етарли даражадаги ишонч билан таъминлаш мажбуриятини юклайди. Аудиторлик текшируви молиявий хисоботда акс эттирилган ва бошка молиявий ахборотларни бухгалтерия хисоби ва молиявий хисоботни тартибга солувчи конунчиликка мос келишлигини бахолашни талаб килади.

Биз, утказилган аудиторлик текширувида куриб чикилган молиявий хисобот буйича уз фикримизни билдириш учун етарли тарзда асос беради деб хисоблаймиз. Бизнинг фикримизча, «SHAXRIXON-AVTO RAVON» акциядорлик жамиятининг молиявий хисоботи унинг молиявий хужалик фаолияти натижалари тугрисида хакконий ахборот беради ва Узбекистон Республикаси бухгалтерия хисоби тугрисидаги конун хужжатлари талабларига мос келади.

МЧЖ «AUDIT-UMMON» аудиторлик ташкилоти директори: **Ф.Султонова**

Аудитор: **Н.Курбонова**